





Мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлганидек Наманган вилояти қасаба уюшма ташкилотлари ҳам чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга ҳисса қўшишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг сэй-ҳаракати тўғрисида бугунги кунда 110 та зооветеринария шохобчаси ташкил қилинган бўлиб, шундан 108 таси юридик мақоми олган, банкда ҳисобрақамлари мавжуд.



«Шикоят ёзувчи ўзи ҳам тоза бўлиши керак дедингиз, тўғри, тўлиқ кўшиламан. Ота-онам ҳалол одамлар, мен уларнинг фарзандиман. Бошлиқнинг «ишлар»ини бажариб, икки букилиб салом берсам, яхши ҳодим бўлиб юрардим...»



Марказий Осиёдаги улкан илмий-маърифий масканлардан бири ҳисобланган тарих музейи 120 йилдан бунён фаолият юритиб келмоқда. Музей ҳазинасида 250.000 дан зиёд археологик, нумизматика, этнографияга оид экспонатлар, архив маълумотлари сақланади.



# Insonga naf keltirish — oliy baxt

# Ishonch


Бугунги салоҳиятимиз ва имкониятларимиз мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги ҳолатдан ер билан осмонча фарқ қилади. Бугун бизнинг вазнимиз ва салмомимиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам янада ошииб, Ватанимиз олдида янги ўқлар ва имкониятлар очилмоқда.

Ислоҳ КАРИМОВ

2008-йил  
16-сентябр  
№ 114 (2527)  
seshanba

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси газетаси

Газета 1991-йил 21-мартдан чиқа бoshлаган



Навоий индустриал-иктисодиёт касб-ҳунар коллежида етук мутахассислар тайёрлаш борасида қатор ижобий ютуқларга эришилмоқда. Таълим маскани ҳозирги кунда 20 га яқин ишлаб чиқариш корхоналари билан ушбу йўналишда ҳамкорликни йўлга қўйган. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли РУ-5, «Қизилқумцемент» ОАЖ, «Навоийазот» ОАЖ, «Электромехзаводи» ҚК, «Навоийдонмаҳсулотлари» ХЖ каби корхоналарда коллеж битирувчилари ўқув-ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўтаб, ҳар бири ўзига бириктирилган мураббий усталар кузатувида амалий кўникма ҳосил қилмоқда. Уларни иш билан таъминлашда ҳам кераклик тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, жорий йилнинг июн ойида 20 дан ортиқ ташкилотлар иштирокида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилиб, уша кўникм 61 нафар битирувчи мутахассислиги бўйича ишга жой-лашди. Шунингдек, корхоналар ишчиларини турли ихтисосликка қайта тайёрлашда ҳам коллеж жамоаси самарали иш олиб бораляпти.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



## Янгиликлар

### панорамаси

Самарқанддаги «Стеклопластик» очиг акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

### Изланиш маҳсули

Илгари корхона «Самавто» заводи билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Бу ерда «Исузу» автобуслари учун олд бампер ва торпедолар тайёрланади. Шунингдек, идора ва маиший мебеллар, металл шкафлар, замонавий спорт жиҳозлари, 15 хил тиббиёт ускуналари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилган. Эндиликда жамоа бундан-да

масъулиятли юмушга бел боғлади. Тендерда қатнашиб, таълим даргоҳлари учун жиҳозлар тайёрлаш ҳуқуқини қўлга киритди. Мамлакатимиздаги 354 та мактаб, 65 та коллежни жиҳозлашни зиммасига олди. Айни чоғда бу вазифа ҳам намунали адо этиб келиналяпти.

Нурулла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch» муҳбири

Бугунги кунда Гулистон шаҳрининг «Фарҳод» маҳалласида бўлган киши катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларининг устидан чиқади.

### Маҳаллада янги боғ

Маҳалла ҳудудидаги ташландиқ, хароба ҳолда ётган 4 гектардан зиёд майдонда янги боғ барпо этилмоқда. «Умид ниҳоллари боғи» деб номланган боғ келгуси йилда мактаб ўқувчиларининг республика миқёсида ўтказиладиган спорт мусобақалари бошланиши арафасида қуриб битказилади. Боғдан бир-бирдан гўзал спорт иншоотлари, майдончалари, ховузлар жой олади. 14 та фаввора боғ ҳуснига хусн бағишляпти.

— Шаҳримиздаги бундай катта бунёдкорлик ишларидан хурсандимиз, — дейди қувонч билан «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси, иккинчи жаҳон уруши фахрийси Бектурсун бобо Пирматов. — Биз кексалар ана шундай хайрли, савоб ишларга бош-қош бўлаётган инсонларни доимо дуо қиламиз.

Анорбой НОРКУЛОВ,  
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Сурхондарё вилоят «Нуроний» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари воҳа фахрийларидан бир гуруҳини Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами муносабати билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий ва навқирон шаҳарларга саёҳатга олиб чиқди.

### Нуронийлар саёҳатда

— Сафар давомида нуронийларимиз мамлакатимизнинг энг диққатга сазовор жойлари, муқаддас қадам-жоларини зиёрат қилдилар, — дейди вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси О.Сағатов. — Шунингдек, республикамизда кечаётган турли ўзгаришлардан бир олам таассуротга эга бўлишди. Бу каби хайрли ишларни бундан бунён ҳам давом эттириш ниятидамиз.

— «Йўл юрган дарё» деган халқ ҳикматининг нақадар тўғри эканлигига яна бир бор амин бўлдик, — дейди саёҳатчи Усмонов. — «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темирўлини, Тош-

кент, Самарқанд, Хива, Бухоро шаҳарларидаги кўҳна ёдгорликлар, ободончилик ишлари, замонавий меъморчилик асосида қурилган бино ва иншоотларни кўриб истиклол неъматларига яна бир қарра шукроналар айтдик. Бенхтиёр ҳаёлимга Соҳибқирон бобомизнинг «Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурдирган иморатларга боқ», деган сўзлари келди. Келажаги буюқ давлатимизнинг пойдевори нақадар мустаҳкам эканлиги кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ishonch» муҳбири

«Ёшлар йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Намунали талабалар турар жойи» кўрик-тайловини ташкил қилди.

### Намунали турар жой


Талабаларга яратилган шарт-шароитни ўрганиш жараёнида дам олиш хоналарининг мавжудлиги ва жиҳозланиши, бино ташқарисидаги ҳудудларнинг тозаллиги, ёшларнинг умумхалқ ҳаётларидаги иштироки ҳисобга олинди. Талабаларга яратилган санитар-маиший шароит ҳам хайрат аъзоларини бефарқ қолдирмади. Якунда «Энг яхши шароитга эга талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти, «Энг тоза талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон давлат тиллар педагогика институти, «Энг шимна талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон қишлоқ ҳўжалик институти, «Энг яхши талабалар турар жойи» номинацияси бўйича Андижон Давлат унiversитети ҳамда тиббиёт институти талабалар турар жойлари голиб деб топилди. Улар ташкилотчилар таъсис этган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Қудратулла ЛАТИПОВ,  
Андижон муҳандислик-иктисодиёт институти талабаси

## Мустақиллик мевалари

# Олис манзиллар чорлайди

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темирўли орқали йўловчи поездлари қатнамоқда



Бир йил аввал қуриб битказилган 223 километрли Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темирўли Қашқадарё ва Сурхондарё вилоят-

ларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, ерости бойликларини ўзлаштириш, ижтимоий инфратузилмасини равақ топтириш-

да катта аҳамиятга эга.

Янги йўл тўғрисида йўловчи ташиш масофаси 170 километрга қисқариб, ҳозирга қадар 3 миллион тоннадан зиёд халқ ҳўжалиги юклари манзилга етказилган бўлса, шу кунларда япон мутахассислари бошчилигида бунёд этилаётган 5 та замонавий кўприкнинг қурилиши жадаллаштирилмоқда. Яқинда «Чашмаи Ҳафизон» бекатида металл конструкцияли кўприк қуриб битказилиб, «Дарбанд» бекатида депо қурилиши ниҳоясига етказилди.

Бундан 8 ой илгари Тошкент — Қарши йўналишида барча қулайликларга эга «Nasat» тез-юрар поезди катнови йўлга қўйилган, шу пайт-

га қадар бу магистралда фақат юк ташувчи поездлар ҳаракатланаётган эди. Энди эса янги йўлдан илк бора йўловчи поездлари қатнай бошлади.

— Янги йўлдан қатнаш ходимларимиздан катта масъулият ва фидойилик талаб этади, — дейди Қарши — Термиз минтақавий темирўл тармоғи бошлиғи Шаҳобиддин Мирзаахмедов. — Ҳозирги пайтда корхонамиз жами 6 та йўналишда хизмат кўрсатиб, уларни локомотивлар билан таъминляпти. Ҳар бир локомотивни йўналишга чиқаришдан олдин кўриқдан ўтказамиз.

Дарҳақиқат, йўловчи ташиш — жуда масъулиятли иш. Депо ҳайдовчи-

йўриқчиси Аҳмад Давронов ва унинг шоғирдлари Азизжон Набиев, Зафар Жўраев, Шодлик Йўлдошев ҳамда тажрибали ҳайдовчи Ҳамиджон Каримов йўловчи ташийдиган поездларни хўшёрлик билан бошқаришмоқда.

— Поездлар катновининг йўлга қўйилиши мамлакатимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ватанимиз обрў-эътиборини янада юксалтириш йўлидаги яна бир дадил қадамдир, — дейди яқинда Ўзбекистон халқ бахшииси урвонига сазовор бўлган сурхондарёлик Қора Умиров.

Ҳа, юртимизнинг жанубий сарҳадларига ўзимизнинг йўлдан ўзимизнинг поездлар қатнай бошлади. Қурилган бекат ва вокзалларда эса йўловчилар учун ҳамма шароит мавжуд. Бундан қувонмай бўладими? Йўлингиз оидин бўлсин!

Иzzат ҲИҚМАТОВ,  
«Ishonch» муҳбири

## «Ishonch»га жавоб берадилар

### Қарздорлик бартараф этилди

Қоракўл туманидаги 22-мактаб қасаба уюшмаси кўмитаси раиси М. Каримовнинг тахририятга йўллаган хати соҳа мутахассислари томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида хатда битилган фикрлар исботини топиб, жорий йил 9 августда мактаб жамоасига июн ойи иш ҳақи ва 2007-2008 ўқув йили учун берилган меҳнат таътили маблағлари хизмат кўрсатувчи банкдан тўлиқ кўчириб берилди.

О. ЖУМАЕВ,  
Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари

**Чорвачилик касабга уюшма оталигида**



● **Мамлакатимизнинг ҳамма ерида бўлганидек Наманган вилояти касабга уюшма ташкилотлари ҳам чорвачилик махсус кўшишга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг саяёҳаракати туфайли бугунги кунда 110 та зооветеринария шохобчаси ташкил қилинган бўлиб, шундан 108 таси юридик мақоми олган, банкда ҳисобрақамлари мавжуд.**

# Амалий ёрдам қўл келмоқда

Зооветпунктларни жиҳозлаш учун 21,8 млн. сўм ажратилган. Ушбу пунктлар орқали аҳолига ҳам хизмат кўрсатилаётди. Шунингдек, чорвани сунъий урчишти масаласига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, аукцион орқали насли молларни сотиш ишлари мониторинг ҳам мунтазам олиб борилаётди. Жорий йилнинг 9 ойида аукционда насли мол сотиш режаси 76 фоизга бажарилди.

Вилоятда чорва учун талаб этилаётган мустаҳкам озуқа базасини яратиш мақсадида Наманган вилояти «Чорвачилик озуқа таъминот» бош бирлашмаси ва унинг таркибиде 12 та шахар ва туман бирлашмалари ҳамда жойларда шахсий, деҳқон ва фермер хўжаликларига омикхта ем, шрот ва шелуха етказиб бېрувчи 131 та шохобча ташкил этиш режалаштирилган.

Хозиргача бирлашмаларни ташкил қилиш бўйича барча туманларда тасвир йиғилишлари бўлиб ўтди, низомадор давлат органлари томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилди. Тамга ва

муҳрлар олинди. Банкларда ҳисоб рақамлари очилди, шунингдек, вилеят товархонаш ёрдамидан 12 нафар брокер тайинланди.

Жойларга чиқиб, ҳақиқий ҳолат ўрганилганда Мингбулок, Чортоқ, Тўрақўрғон, Наманган, Уйчи туманлари ва Наманган шаҳрида белгиланган вазибалар тўла бажарилганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга Поп туманида режадаги 16 та шохобчадан 6 таси, Янгиқўрғонда режадаги 10 тадан 2 таси белгиланган муддатда топширишга тайёр эмаслиги аниқланди ва вилеят бўйича жами 8 та шохобча махсус комиссия томонидан қабул қилинмади.

Ем сотишга ихтисослаштирилган шохобчаларнинг айланма маблағларини кўпайтириш учун ҳар бир шохобчада галла майдонидан сомон йиғиш ишлари ташкил этилди. Хозиргача вилеят бўйича 56 мингта сомон пресси жамғариб қўйилди.

Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири**

# Кредит эвазига

Шариф Назаров ўзи бошқараётган фермер хўжалиги қошида янги иссиқхона барпо этиб, ҳар хил сабзавот маҳсулотлари ва кўчатлар билан бозор пештахталарини тўлдиришни анчадан буюн орзу қиларди. Аммо қўли калталиги боис бу ишни амалга ошира олмаётган эди. Яқинда фермернинг эзгу нияти ушaldi. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Сирдарё вилеят бўлими унга 200 миллион сўм миқдордаги узоқ муддатли кредит маблағи ажратди. Ушбу маблағ эвазига фермер каттагина иссиқхона қуриб олди. Шу туфайли бекор юрган 60 нафар ёшлар доимий иш

ўринларига эга бўлдилар. Банк томонидан жорий йилнинг ўтган даврида воҳодаги 60 та фермер хўжаликларига янги қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида бир миллиард 289 миллион сўм узоқ муддатли кредит ажратди. Ушбу сармоа эвазига қишлоқ мулкдорлари саккизта трактор, бешта дон ўриш комбайнларини харид қилишди. Жумладан, «Оқ олтин» туманидаги «Ювобой ҳожи», «Мадамин ота» фермер хўжаликларига ажратилган кредит ҳисобидан Германияда ишлаб чиқарилган «Класс Доминатор» комбайннинг сотиб олинди. Янги қудратли техникаларнинг келтирилиши



**Янги иш ўринлари**

эвазига ўн икки нафар қишлоқ ёшлари ишли бўлдилар. Улар янги комбайнлар билан ҳудуддаги барча фермерларнинг мушкулини

осон этиб, пишиб етилган галла ҳосилини қисқа фурсатларда нёс-нобуд қилмай ўриб-йиғиб бердилар. Банк томонидан ишбилармон ва тadbirkorлар-

нинг қўллаб-қувватланиши ўзининг ижобий самарасини бераётди. Яқинда банк ўз миқзои «Гулистон шаҳридаги «Бекбола Транс» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам талаб-истагини қондириб, катта сармоа ажратди. Жамият раҳбари Эркин Маҳкамов маблағни Гулистон шаҳри аҳолисига сифатли транспорт хизмати кўрсатишга сарфламоқчи. Тадбиркор банк кредити эвазига Самарқанд шаҳридаги «Ўзбекистон-Япония» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автобуслардан олти дона олиб келди. Юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий ичмам ва кулаб бу автобуслар шаҳар аҳолисининг оғирини енгили, узоғини яқин қилапти. Энг қувонарлиси, йўл баҳоси ҳам анча арзон.

**Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Янгилик

Хўжалик юритуви ва субъектларнинг солиқ идораларига ўз фаолияти юзасидан молиявий ҳисоботларни топшириш тартиби аниқланди. Айни пайтда ҳисоботларни топшириш учун усулдан — почта хизмати орқали, субъектларнинг солиқ идорасига бориши, яъни қўлда ҳисобот топшириш ҳамда компьютер воситасида электрон шаклда амалга оширилиши ҳақида ҳар ушбу усулдан бирортасини танлаш ва ундан фойдаланиш қонун йўли билан чеклаб ёки таъқиқлаб қўйилмаган. Лекин кейинги йилларда солиқ тўловчилар ҳисоботларини ортиқча оворгарчилик билан ва кулай ҳисобланган интернет хизмати орқали электрон шаклда жўнатишни кўпроқ маъқул қараётгани бу тизимнинг афзаллигини далolat бермоқда.

Мустақиллик йилларида Давлат солиқ хизмати тизимида ҳисоботларни интернет воситасида электрон шаклда қабул қилиш ва дастурий маҳсулотдан кенг фойдаланиш им-

# Тез, қулай ва самарали

кони тажриба тариқасида яратила бошланди. Президентимизнинг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қароридан сўнг бу борадаги ишлар жўнатиб кетди. Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва Давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан хўжалик юритуви субъектлари томонидан ҳисоб-китоблар тақдим этишда электрон ҳужжат айланишини жорий этиш бошқарила бошланди.

Давлатимиз ва ҳудудимизнинг тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш

ҳамда ушбу фаолият ҳуқуқий асосларининг яратилганлиги боис юртимизда солиқ тўловчилар сони ошиб бормоқда. Шунга қўра солиққа оид маълумотлар ҳажми ҳам кўпайди. Бу эса ўз навбатида солиқ идораларида маълумотлар ҳисобини юритиш ҳамда ташкил қилишда айрим қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Давлат солиқ хизмати ходимлари ишининг автоматлашган тизимга ўтиши қийинчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Илгари солиқ идорасига ҳисобот топшириш учун бир неча кўнуб сарсон бўлган корхона раҳбарлари ёки уларнинг ҳисобчилари эндиликда компьютер воситаси орқали юмшарларни бир эъда битиришлари мумкин.

Молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон қўриқчида тақдим этишнинг жорий этилиши ҳисоботларга сарфлаётган вақтнинг бир неча баробарга қисқартирилишига, қўроз ва чоп этиш харажатларининг китисод қилинишига ҳамда маълумотларни ўз вақтида ва тезлик билан етказиш, ортиқча сарф-харажатлардан сақлаш билан бирга нокўнуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олади. Шунингдек, давлат бюджетига солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тулишини таъминлайди.

**Жаҳонгир ЭГМАНАЗАРОВ, Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси**

**«Хуқуқий маданият — умумий маданиятнинг таркибий қисми. Ишончлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, хуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётга татбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли ҳисобланиши мумкин».**

**Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастуридан**

**Хуқуқий зиё**

Менинг бир тегрговчи дўстим бор. У айблаган, иши судда қўрилиб, қамалиб кетган киши ҳам унга миннатдорчилик мактубини йўллади. Айбини бўйинга олади.

Яқинда соҳамиз бўйича хизмат текшируви ўтказдик. Бир ходим хайфсан олди. «Буйруқни бeringлар, қаршимдаги деворга ёпиштириб қўяман, менга катта сабоқ бўлди», — деди. Хатосини тан олди. Иш бевручими, ходимми, ўз камчилигини тан олса олам гулистон.

Чўғни енг учиде узоқ олиб юриб бўлмайди. Ҳақиқатни ҳам яшириш қийин. Бизга шикоят билан келган А.Рустамовни ҳам, уни ишдан бўшатган солиқ идорасини ҳам химоя қилмоқчи эмасмиз. Биз тақдим этилган ҳужжатлар атрофида фикр юритиш баҳонасида қонунларни тушунтирамиз. Муддао — хуқуқий зиё сочиш. Маъқул бўлмаган ходимдан халос бўлишни истаган раҳбарми ёхуд «мени ноҳақ ишдан олди» деб шикоят устига шикоят ёзаётган ходимми — ҳамма нарса қонун доирасида бўлсагина ўз ечимини топиши мумкинлигини англаш.

Узрли ё узорсиз ишга чиқмаслик азалдан баҳсли масала. Базан керак бўлса, «мен ишлаганман, ана табелини кўринлар, иш ҳақи ёзилган» деб туриб олишади. Ишга чиқмаган кунлари учун нотўғри ёзилган иш ҳақини қайтариб берган кимсани ҳали кўрмадим. Бунинг мақоламиз мавзусига алоқаси йўқдир, мазкур ариза билан танишар эканман шу фикр хаёлимдан ўтди.

тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади.

«Прокуратурага бормадингизми?» деб сўрайман «ҳақсизликдан нолиб келганлардан. «Эй» деб қўл сийлаб қўйишади. Демак, прокуратурадан ўзига маъқул жавобни олган. Ким уни ҳақ деса, ушлаган яхши, ноҳақсиз деса, адолатсизлик...»

Афсуски, прокуратура тўғрисидаги қонунни очиб кўрмаганлар уни фақат қоралайдиган, қамайдиган орган деб тушунишади. Ахир, бу маҳкаманинг биринчи галдаги вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш-ку. Ўз ҳуқуқини билган очик юзли одамлар ҳар қандай идорага дадил кириб боради.

## Нима бўлган эди?

Ақбар Рустамов 10 йил солиқ тизимида фаолият кўрсатган, сўнгги даврда Каттақўрғон шаҳар солиқ инспекциясида инспектор лавозимида ишлаган. Бошқа тафсилотларни қўя турайлик, у 2004 йил 28 ноябр, 2005 йил 3 — 7-январ ва 21 — 22-феврал кунлари жами 8 кун сабзисиз ишда бўлмаган. Бу билан «Ички меҳнат тартиби қондалари»нинг 2.2.10-банди талаблари бўзилган. Мазкур қондага мувофиқ ходимнинг бир кун мобайнида узорсиз сабабларга қўра ишда бўлмаганлиги меҳнат вазифасини бир марта қўпол равишда бузиш ҳисобланади ва меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига биноан бекор қилишга асос бўлади. Шунинг учун А.Рустамов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Ўзбекистон Олий суди пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солуви қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги қарорига мувофиқ суд ходимини «ишда узрли сабабларга қўра бўлмаган деган хулосага келса, МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига қўра меҳнат шартномасининг бекор қилинишини гайриқонуний деб топади ва ходимнинг ишга тиклаш ҳақидаги талабини қаноатлантиради». Акс ҳолда рад қилади.

2005 йил май ойининг 23-кунини фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди давговарининг ишга келмаганлигини узрли деб топиб, уни аввалги ишга тиклаган. 2005 йил июл ойининг 12-кунини фуқаролик ишлари

## Бизнинг мулоҳаза

Биринчидан, 2004 йил ноябрда 1 кун, 2005 йил январда 5 кун, 2005 йил февралда 2 кун ишга чиқмаган экан, нега биринчи қўндоқ меҳнат шартномаси бекор қилинмади? Ахир Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекциясининг «Ички меҳнат тартиби қондалари»нинг 2.2.10-бандига биноан бир кун давомида узорсиз сабабларга қўра ишда бўлмаганлиги хизмат вазифасини бир марта қўпол равишда бузиш ҳисобланади-ку.

Иккинчидан, жами 8 кун проғул қилган эмиш. Тўғри, бир иш кунини давомда уч соатдан кўп ишда бўлмаслик проғул ҳисобланади. Узлуксиз дейилапти. Турли иш кунини ишда бўлмаганлик давраларини қўшиб чиқиш мумкинми? Унда олти ойлик ёки бир йиллик кечиккан соатларни қўшиб чиқса, қанча одамдан

## Кўрсатган. Изоҳга ҳолат йўқ.

олинмаган ҳам дейлик. Проғулни бартараф этиш учун А.Рустамов судда нима демаган бўлсин, аммо Пастдарғом тумани «Намозгоҳ» ҚВБда 2004 йил декабр, 2005 йил январ ойлариде, Самарқанд шаҳар 1-поликлиникасида феврал ойида даволанган. Шунинг учун вилеят ДСБ хизмат текширувини вақтинча тўхтатган. Вақтинча яроқсизлик варақаларида узил-лиш бўлгандир. Шунинг ўзи унинг касал бўлиб қолганини кўрсатмайдими? Агар ходим врачга мурожаат қилган ва ўша кунлар учун касаллик варақаси олмаган бўлса, иш бевруччи тиббий муассасадан қисқа вақт касал бўлган бўлмаганини аниқлаши шарт эди. Ходимнинг асосий вақти ишда ўтди, қўп ҳолларда иш ўтмайли соғлигини йўқотди. Ишда ҳар қандай ҳолатда бўлмаслик эмас, балки фақатгина узорсиз сабаблар билан бўлмаслик проғул ҳисобланади. Ноиложлик-дан проғул қилган бўлса, оқибати оғир бўлмаса, узрли

## Ган моддий ва маънавий зарарлар янги очилган ҳолат ҳисобланиб, сиз фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигиниз тушунтирилади.

Шу ўринда бир нарсага аниқлик киритайлик. Янги очилган ҳолатлар бўйича иш қачон қайта қўрилади? ФПКнинг 362-моддасига қўра, аризагина номаълум бўлган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, лекин иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар очилганда да ҳоказо.

Касаба уюшмасининг жавоби: «...Меҳнат кодексининг 81-моддаси 3-абзаци талабига мувофиқ ҳамда Адлия вазирлигиде 1998 йил 29 январ кунини 402-рақам билан рўйхатдан ўтказилган «Меҳнат дафтарчасини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 2.20-бандига қўра А.Рустамовнинг меҳнат шартно-

## Яна даъво аризаси

Меҳнат дафтарчасидаги ёзув масаласи иш учун бир қадар аҳамиятлидир, аммо «маълум бўлиши мумкин бўлмаган» ҳолатмикан? Балки шунинг учун бунга айнан аввалги предмети ва аввалги асос бўйича қўндоқ низо деб қараландир. Ўз-ўзиндан равшан, 2007 йил ноябр ойининг 7-кунини фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман суди ФПКнинг 152-моддаси 2-қисмига қўра даво аризасини қабул қилишни рад этиш ҳақида ахрим чиқарган. 2008 йил январ ойининг 8-кунини фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилеят суди апелляция

# Ҳақиқат

гим ва ишонувчанлигим туфайли бу хатни Каттақўрғон шаҳар ДСИдаги хизмат текшируви пайтида Қ.Жўраевнинг менга ҳеч нарса бўлмайди деган гапи асосида лаққа тушиб ёзиб берганман» дейди. «Хизмат текширувини қўздан кечирганимизда А.Рустамов танишиб имзо чеккан, эътироз билдирмаган... Бир институтнинг икки факультетини тугатган олий маълумотли мутахассис... Солиққа оид ҳуқуқбузарликка, сохта тадбиркорлик ва ҳуфия бизнесга қарши курашадиган, давлат газанасини тўлдирадиган киши, барақалла-!»

## Ўтганларни тинч қўйинг

Биринчи босқичда ҳақиқатан ҳам А.Рустамов 2005 йил 21 — 22-феврал кунлари Пастдарғом тумани Найман марказида қатнашганлиги ҳақида маълумотнома тақдим қилган. Апелляция инстанциясида иккинчи тараф унинг тоғаси Ф.Эргашевнинг вафот этганлиги муносабати билан маросимда қатнашганлиги ҳақида маълумотнома тақдим қилган. Апелляция инстанциясида иккинчи тараф унинг тоғаси Ф.Эргашев 2002 йил октябр ойида оламдан ўтгани, вафотига қадар Самарқанд тумани Оқорчиқордара маҳалласида яшаб қолганлиги ҳақида маълумотнома тақдим этган. Астафурроллоҳ, маълумотномаларни ёзиб беришаваркан-да а? Бу ҳақда ўзидан айрилган «тоғаси ҳақиқатан ҳам Оқорчиқордара маҳалласида яшаб қолганлиги ҳақида маълумотнома тақдим қилганми?» а? Бу ҳақда ўзидан айрилган «тоғаси ҳақиқатан ҳам Оқорчиқордара маҳалласида яшаб қолганлиги ҳақида маълумотнома тақдим қилганми?» а? Бу ҳақда ўзидан айрилган «тоғаси ҳақиқатан ҳам Оқорчиқордара маҳалласида яшаб қолганлиги ҳақида маълумотнома тақдим қилганми?» а?

масуво бўлиш мумкин? Ички меҳнат тартиби қондаларида ишга узорсиз сабаблар билан бекор қилинган иш кунини мобайнида узлуксиз ёки вақтинча бекор қилинган (шунча) соатдан кўпроқ бўлмаганлик) деб белгилан қўйилганлиги бу бир неча ойни жамлаш дегани эмас.

Учинчидан, МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига қўра ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эғалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолатда содир қилинган ноҳўя харақатнинг оғир-енглилиги ҳамда бундай бузилиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади.

Тўртинчидан, ариза муаллифи агар проғул қилган бўлсам, нима сабабдан ўша кунлар ишлаганим учун тулиқ маош ёзилган дейди. Саволида жон борми? Бор.

Бешинчидан, меҳнат шартномаси интизомий жазо сикинчи тараф бекор қилинапти (МКнинг 181-моддаси 3-қисми). МКнинг 182-моддаси 5-қисмига қўра интизомий жазо бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи билан бир ой (содир этилган кундан — 6 ой) ичида қўланади. Жазо 2005 йил 18 март кунини қўланапти.

Олтинчидан, ходимнинг касал бўлган вақти ҳисобга

саналади... Еттинчидан, МКнинг 221-моддаси иш жойида касал бўлиб қолган ходимларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш-профилактика муассаларига олиб бориши иш бевруччи зиммасига юклайди.

Саккизинчидан, МКнинг 102-моддасига қўра, меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда (100-модда иккинчи қисмининг 3 — 4-бандлари) иш бевруччи ходимини меҳнатга оид муносабатлар бекор қилиниши тўғрисида қаттиқда у кун олдин хабардор қилади ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлайди.

Тўққизинчидан, биз аризага илова қилган «Рустамов Ақбарга фалон сўм берганман деганман, адашибман, бошқа киши экан», «Аризамни оқибатсиз қолдиришингизни сўрайман, А.Рустамовга даъво йўқ» деган тушунтириш хатларининг бу масалага қандай алоқаси борлигини тушунмадик. Аризада унинг чиқаргандай бўлди-ю, айтмади. Бу нимани исботлайди-ю, нимани инкор қилади?

## Шикоятлар, шикоятлар...

А.Рустамов турли идораларга ариза ёзди. Айримларининг жавобини берамиз.

Омбудсманнинг жавоби: «Сизнинг меҳнат дафтарчасига Меҳнат кодексининг 81-моддасига зид равишда ёзув киририлганлиги туфайли, етказил-

масининг бекор бўлганлиги тўғрисидаги ёзувнинг амалдаги қонун талабларига мос бўлишини таъминлаш таъсия қилинади».

Мана йўриқномада нима дейилган: «Меҳнат дафтарчасида меҳнат шартномасининг бекор бўлганлиги тўғрисидаги ёзув амалдаги қонун талабларига мос бўлиши, яъни, меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) тўғрисидаги ёзув киритилмаслиги шарт».

Дарвоқе, касаба уюшмасига оид яна бир гап. МКнинг 111-моддасида «агар... жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш бевруччининг ташаббуси билан бекор қилиниши касаба уюшмаси қўмитаси... билан олдиндан келишиб олиш назарда тутилган бўлса, суд касаба уюшмаси қўмитасининг... олдиндан розилиги олинган олинмаганлигини аниқлаш» дейилган. Биздаги ҳужжатлардан бу ҳолат текширилиб ё текширилмаганини билолмадик.

А.Рустамов шикоятда аризамни хал қилишга омбудсман ва касаба уюшмаларини тўғри ёндашига дейди. Бунга биз ҳам тулиқ қўиламиз. Аммо бу даъво предмети судлар эътиборидан четда қолаёпти. МКнинг 111-моддасига мувофиқ низоини кўриш вақтида иш бевруччи меҳнат шартномасини бекор қилишининг асослигини исботлаб берапти. А.Рустамов эса ўзининг сўзи билан айтганда «лаққа тушиб» қолаёпти. ФПКнинг 57-моддасига

ция инстанцияси ушбу ахримини ўзгартириш қолдирган. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди. Суд фақат иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларнигина қўришга қабул қилади. Бу унинг қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқи.

Омбудсман ва ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқини химоя қилишга даъват этилган касаба уюшмаси тўғри қайд этган. Аммо бу ходим гайриқонуний бўшатилган деган хулосани бермайд.

Каттақўрғон шаҳар ДСИ бошлиғи 2007 йили 4 марта хат билан мурожаат қилиб, меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиб беришни тақлиф қилган. Эҳтимол, шу боис бу масалани судда қўришга ҳолат қолмаган.

Ариза муаллифи биз билан суҳбатда «Биринчи босқичда ишни кўрган судия иккинчи марта яна қатнашди, тўғрими деб сўради. Биз нотўғри дейдик. «Ана, кўринганими?» дейди у. Билмадик, биринчи марта судда раислик қилган киши апелляция инстанциясида раислик ҳам қилмаган, ҳайбат аъзолари таркибиде ҳам йўқ. Ўш 2007 йил ноябрининг 7-кунини, 2008 йил январининг 8-кунини кўрилганда ҳам ҳолат шундай бўлган. ФПКнинг 27-моддасига қўра фуқаролик ишнинг биринчи инстанция судида қўрган судия шу ишни апелляция ёки касабация инстанцияси ёхуд суд назорати тартибиде қўришда иштирок этиши мумкин эмас. Аммо қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори янги очилган ҳолат бўйича шу ҳал қилув



# Бугунги Кўқон

## ёки Хўқанди латифда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишлари хусусида...

Нафақат водийнинг, балки юртимизнинг кўна ва ҳаммаша обод масканларидан бири Хўқанди латиф истиқлол йилларида янада кўркамлашиб, ўзгача чирой очди. Унинг олим фузалолари, ёзувчи-шоирлари, қўлигул хунарманд-усталари билан донг таратган шаҳарда мустақилликнинг 17 йиллик тўйини муносиб нишонлаш ниятида катта курилик ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бунда Юртбошимизнинг «Фаргона ва Кўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурийни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори шаҳарсозлар учун дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда.

садоқатли ва фидойи инсонлар бўлиб етишсин.

Бу гўша келажакда спорт майдончалари, сузиш хавзаси, теннис корти, энг замонавий аттракционлар, болалар темир йўли сингари бутун бошли мажмуани қамраб олган сўлим оромгоҳ сифатида ҳам аҳамият касб этади. Режага кўра, ёшлар хиббони курилиши учун хомийлик маблағлари ҳисобидан 2 миллиард сўмлик курилик ишлари амалга оширилади. Айни кунларда богда «Болалар темир йўли»ни куриш давом этаётди.


## Ёшлар боғини бир кўринг

Юқоридаги дастурга кўра, 9 йўналиш бўйича бунёдкорлик ишлари режалаштирилган бўлиб, Ёшлар боғини барпо этишга алоҳида урғу берилган эди. Шаҳарнинг «Урмон боғ» мавзесида барпо этилган «Ёшлар боғи», ҳеч шубҳасиз, кўқонлик ёшларга муносиб байрам армуғони бўлди.

— Қарорда «Ёшлар боғи» барпо этиш кўзда тутилгани бежиз эмас, унда ўзига хос рамзий маъно бор, — дейди шаҳар ҳокими Х.Каримов. — Таъбир жоиз бўлса, бу масканни чин маънодаги маданият, маърифат, тарбия ўчоғига айлантириш ниятида-ми. Токи ҳеч кимдан кам бўлмаслик руҳида улғаяётган авлод ўзига нисбатан юксак гамхўрликни чуқур ҳис қилиб, ватани, халқи учун

## «Каппон» бозорини биласизми?

Бугун Кўқонга келган меҳмонлар деҳқон бозорини кўрмоқчи бўлса, бироз адашиб қолишлари мумкин. Чунки 54 йилдан буён фаолият юритаётган бозорда катта курилик ишлари олиб борилмоқда. 4,5 гектарлик майдонда «Ўзшаҳарсозлик» илмий-тадқиқот институти



Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири

**Олам ва Одам**

Воқеалар  
Тафсилотлар  
Шарҳлар



## Теракт ҳақидаги тахмин рад этилди

Россия федерал хавфсизлик хизмати Пермдаги авиаҳалокатнинг дастлабки таҳлиliga асосланиб, у террорчилик ҳаракати оқибатида содир этилмаган, деган хулосага келди. Бу ҳақда «РИА Новости» агентлиги хабар тарқатди. Олдинроқ ҳалокат сабабларини ўрганаётган давлат комиссиясининг раҳбари, транспорт вазири Игор Левитин ҳам теракт ҳақидаги тахминни рад этган эди.

Расмий манбалар, хусусан Бош прокуратура ҳузуридаги Тергов қўмитаси раиси Александр Бастрикин ҳалокатга самолётнинг техник носозлиги ва двигателлардан бири ёниб кетганига сабаб бўлганини айтишмоқда.

«Аэрофлот-Норд» авиаконанига қарашли «Boeing 737-500» самолёти яқинбага ўтар кечаси Перм аэропортига қўниш чоғида қулаб тушган эди. Унинг бортидаги 88 кишининг барчаси ҳалок бўлган




## Изоҳсиз изоҳ

AP агентлиги Қизил хоч ташкилоти вакилининг маълумоти асосланиб Мексиканинг Тихуана шаҳрида қамқонда маҳбуслар исён кўтаргани ҳақида хабар беради. Улар турма соқилларини икки нафар маҳбусни улдирилганликда айблашапти.

Полиция ҳамда қамқонани ўраб олган ҳарбийлар билан бўлган тўқнашувда маҳбуслардан тўрт киши яраланиб, касалхонага ётқизилган.

Қамқонга раҳбарияти ҳодисада изоҳ беришдан бош тортган.



## 12 фоиз ўсиш — Хитой учун кам...

Август ойида Хитойда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши йиллик ҳисобда 12,8 фоизни ташкил этди. Бу ислоҳат курсаткидан даярли 2 фоиз камдир. Шундай қилиб Пекин олимпиадаси мамлакат саноатига салбий таъсир этди дейиш мумкин.

Уши суръатининг пасайиши аввало олимпиада ўйинлари ўтказилаётган вақтда юзлаб заводларнинг ишламагани билан боғлиқ. Хитой ҳукумати шу тарихда атмосферага зарарли моддалар чиқишини камайтириш орқали Пекин ҳавосини тозалашга ҳаракат қилган.

Олимпиаданинг бошқа макроиктисодий курсаткиларга қандай таъсир қўраётгани ҳозирча номаълум. Фақат шуни айтиш мумкин, мамлакатда чакана савдонинг ўсиши ҳажми ўзгаришсиз қолиб, йиллик ҳисобда 23,2 фоизни ташкил этган.



## Авиаконанини кутқариш режаси

Банкротлик ёқасида турган «Alitalia» авиаконанини кутқариш режаси Италия касабаси уюшмалари ўртасида ўзига хос ажралишга олиб келди. Компания ходимлари ва инқироздан чиқиш режасини тақдим этган Махаллий инвесторлар консорциуми (МИК) ўртасида ўтказилган музокарадан сўнг мажбурий тўқизта касабаси уюшмасидан атиги тўрттаси имзолаган. Қолган бешта уюшма мажбурий режа «Alitalia» ходимларининг маънавиятига ҳиҳват қилмайдиган деган фикрда.

Қолишув шартларига кўра, конанининг илгари МИК вада қилгандек 11.500 эмас, 12.500 нафар ходими ишдан бушатилади.

2002 йилдан бери зарар кўриб ишлаётганлиги боис «Lufthansa» (Германия), «Аэрофлот» (Россия) ва «Air France-KLM» (Франция-Голландия) компаниялари «Alitalia»ни сотиб олишни рад қилишган.

## Ғалати манзара

Шикоят хатига меҳнат дафтарида тегишли варағи ҳам илова қилинган. «Рағбатлантириш ҳақида маълумотлар» деган варақда «МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинди» деб ёзилган (яни намунасида бу варақ чиқарилган). Аслида «Иши тўғрисида маълумот» деган варақда «меҳнат шартномаси бекор қилинди» деб ёзилгани лозим эди. Кейинги устулда буйруқ санаи ва рақами кўрсатилади. Нега бошқа вараққа ёзилган, жой бўлмагани? У ҳолда қўшимча варақ киритилиши керак эди. Ахир, меҳнат дафтарида сани юришти тартибин бузган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар

ишларини ўтказиш, унинг хизмат гувоҳномаси ва кўрак белгисини бошқарма кадрлар бўлимига етказиш топширилган. Лекин ордан 10 кун ўтиб, 2005 йил 28 март кун Каттақўрғон шаҳар ДСИ бошлиғи «А.Рустамов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида» 24-буйруғини чиқарган ва унда 3 кун ичида А.Рустамовни буйруқ билан таништириш, унинг хизмат гувоҳномаси ва кўрак белгисини кадрлар бўлимига топширишни сўраган. Ва ниҳоят, А.Рустамов бу буйруқ билан 1 апрелда танишляпти.

Меҳнат шартномаси ким билан тузилган, меҳнат дафтарида қайда сақланади ўзи? Бир кишини бўшатиш учун иккита буйруқ чиқарилса, қабул қилишда ҳам иккита буйруқ чиқариладими?

Фуқаролик кодексининг 353-моддасига кўра, шартнома — икки шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор

Нега бу ҳолатга фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанцияси ҳуқуқий баҳо бермаляпти? Бу борада даввогар талаб қилмади ё далилларни таъминлашни суддан илтимос қилмади дейишар. Савол туғилади. Нега ишнинг баъзи варақларига қаралапти-ю, биз юқорида кўрсатган ҳолат битилган варақларига қаралаляпти? Бу ФПКнинг 332-моддасига эид эмасми? «Суд ишни апелляция тартибиде қўраётганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қай даражада қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширади. У янги далилларни ўрганиб чиқиши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ўрганиб чиқиши шарт» дейилган.

ФПКнинг 19-моддасида айтилганидек, суд фуқаролик ишини кўраётганда айрим мансабдор шахслар... томони

воби жуда тушунарли битилган. Охириги жумласини келтиришимиз: «Агар ушбу жавоб хатидан норози бўлган тақдирингизда ФПКнинг 350-моддасига асосан суд ажримлари нусхалари ва ушбу жавоб хатини илова қилган ҳолда Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига назорат тартибиде шикоят ёзиш ҳуқуқига эга эканлигингиз тушунтирилади». Яна нима дейишимиз? Бу сизнинг Ўзбекистон Конституциясининг 35-моддасида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқингиз, буни кўришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Дарвоқе, Олий суднинг 2008 йил 2 июндаги хатига кўра, А.Рустамовнинг ваялари илгари бир неча марта кўриб чиқилган, шикоятни рад қилиш асослари Олий суднинг 2007 йил 23 январдаги ШБФ-714-07-рақамли хатиде баён қилинган. Ариза муаллифи эса бундай хатни олмаганман дейди. Хўш, олмаган бўлсангиз, олишингиз мумкин эмасми? Ахир, «Ахборот эркинлиги ва принциплари тўғрисида»-ги қонун бор. Шунга мувофиқ ҳар ким ахборот олиш учун муружаат қилиш ҳуқуқига эга. Сўраладиган ахборот махфий бўлса ёки уни ошқор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборот бериш рад этилиши мумкин. Конституциянинг 30-моддасига мувофиқ барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжат, қарор ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг солиқ академияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори беҳуда қабул қилинмади. Юртимизга замонавий талаблар даражасида профессионал фаолият юрита оладиган юқори малакали мутахассислар зарурлиги аниқ бўлиб қолди. Жойлардаги кадрлар ҳам, кадрлар ҳақида қабул қилинаётган локал ҳужжатлар ҳам шунини кўрсатапти.

Айниқса, солиқ идораларида қонундан ҳабардор, ўз ишини яхши биладиган, ватан манфаатини ҳамма нарсдан устун қўядиган ғайратли кишилар ишлаши кераклигини яхши биламиз.

Шу муносабат билан меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш юқори даражада ҳуқуқий саводхонлик билан адо этилса, беҳуда оворагарчилик бўлмайд.

Хатлардан кўриниб турибдики, айримлар суд ва ижро ҳокимиятининг фарқини тўлиқ англаб етмаляпти. Прокуратура, ички ишлар, адлия идораларининг вазифалари, туман судлари фаолиятини ким назорат қилиши, судьяларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ким ҳал қилишини кўпчилик яхши билмайд.

Хуқуқий тарғиботда шунга ҳам эътибор берилса, ташкилотлар ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича хатлар келиши камайган бўларди.

## Энг сўнги сўнгани...

Назаримда, «Судлар тўғрисида»ги қонуни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш керак. Оди судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, суд ҳокимияти мустақиллиги, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги, иш юриштининг ошқоралиги, Олий суд тарихи — судлов ҳайъатлари, Олий суд Раёсати, энг юқори судлов инстанцияси — Олий суд Пленуми ҳақида ҳам тушунтириш бериш лозимга ўхшайди.

Умид энг сўнгида сўнади дейдилар. «Ердан беринг!» дегувчиларга жавобимиз шу: қонундан чиқиб бир нима деёлмаймиз, бизга хат йўллаб, сиз, ҳуқуқингизни тушунтиришга интилдик. Буёғи ўзингизга ҳавола. Ҳа, биз адолат йўлини кўрсатишга уриндик, холос. Зеро,

## Чумчуқ сўйса ҳам...

Яқинда Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатурани институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Очигини айтиш, адвокат ёрдасиз ҳақиқатни англаб етолмайсиз. Баъзилар «Бизам билемиз!» деб қўйишади. Хуқуқий атамалар луғатини ўқиган юрист бўлиб қолмайди. Қизик, баъзан олий маълумотли, кап-катта «хуқуқдан хабари бор» одамга ҳам қонуний тушунтириш қийин экан. Шунини айтидилар-да, чала ўқигандан ўқимангиз афзал деб. Ё тахририятга ҳуқуқий масала билан келувчиларга «Адвокатингиз билан келинг» дейиш керак-микан.

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 3 июлдаги

# Ҳуқуқий сабоқ ўрнида Чўзи

## Аризачи нега хафа?

Хўш, А.Рустамов нега тикланаман деб олиб-югуриб юрибди? Ўз хатосини билмайди? Балки билар, аммо бўшатиш жараёнида иш берувчи томонидан хиддий қонунбузилишларга йўл қўйилганини ҳам билса керак. Юристар тушунтирган-дир. Жумладан, Меҳнат кодексининг 108-моддасига кўра «Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарида иш ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт». Факт — А.Рустамов ўша кун меҳнат дафтарида иш берувчининг нусхасини ҳам, буйруқнинг нусхасини ҳам олмаган. Нима бўлган? Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2005 йил 18 март кунги 210-буйруғига асосан Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат бўлими яқка тадбиркорларни солиққа тортиш ва декларациялаштириш шўбаси давлат солиқ инспектори Рустамов Акбар билан тузилган меҳнат шартномаси МКнинг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига мувофиқ 2005 йил 18 мартдан бекор қилинган ва Каттақўрғон шаҳар ДСИ бошлиғи Д.Қўчқоровга 3 кун ичида А.Рустамовни ушбу буйруқ билан таништириш, у билан комиссия орқали тўлиқ қабул-топширув

қилиш ҳақидаги келишуви. Меҳнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида ички меҳнат тартибига буйсунган ҳолда тузилган келишув. Меҳнат қонунчилиги меҳнат шартномасини тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўяди. МКнинг 100-моддасида бундай шартномани иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари кўрсатишган. Қонун яратувчи ходим ва иш берувчи ҳамда давлат манфаатларини эътиборга олиб, ҳаммасини тарозига солиб қўйди.

Аризачи «Меҳнат дафтарида сани почта орқали юборишди» дейди. Меҳнат ҳуқуқи билан довлари меҳнат дафтарида сани эгасининг розилиги билан почта орқали юбориш мумкинлигини таъкидлашади.

Меҳнат дафтарида сани ходим иш ҳақи оладиган қорхонанинг ходимлар бўлимида ёки шунга масул этилган шахсда сақланади. Фақат меҳнат шартномаси бекор қилинганда махсус китобга имзо чекириб берилади.

Тахририятга келганида биз ундан буйруқ нусхасини сўраганимизда «Буйруқ нусхаси йўқ, беришмагани» деб айтиди.

дан қонунийлик... бузилганлигини аниқласа, хусусий ажрим чиқариб, тегишли органга юборса, айтилиқ, ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиши меҳнат дафтарида сани муносабат бошқарма бўларди.

Меҳнат шартномасининг бекор қилиниши қонуний деб, топилганда ҳам ходимга меҳнат дафтарида сани ўз вақтида бермаганлик оқибатида мажбурий проғул вақти учун ҳақ тўлаш ва меҳнат муносабатларини бекор қилиш санаини меҳнат дафтарида сани берилган кунга кўчириш лозим эди.


## Хуқуқшунос билди

Ахир, Самарқанд вилоят судининг ариза муаллифига 2008 йил 21 январда ёзган жа

**Р.С.** **Мақола чоп этишга тайёрланаётганда А.Рустамовдан хат олдик. У мазкур мақола муаллифи номига битилган эди. Кискача мазмунини келтирамиз: «Шикоят ёзуви учун ҳақ тўлашга ҳақ қилмаган. Ота-онам ҳалол одамлар, мен уларнинг фарзандиман. Бошлиқнинг «ишларини бажариб, икки букилиб салом берсам, яхши ходим бўлиб юрардим...» Шикоятга келсак, мақсадим — адолат талаб қилсам, шу кунларда мен ва мен қабилининг солиққа ишлаши одатий ҳол эмас деб биламан. Фақат менга адолатсизлик қилганларга интизомий бўлса ҳам чора қўришларини хоҳлардим.»**

**Довуд МАДИЕВ**

«Мен — ёшликман» панловига



Дарё ~ кўнгли

Тим ридо либосга ўранар очун, Ёғдули камарин тортади фалак...

Маҳзун чайқалади, кўнгли бир дарё, Мудом айланади мағрур чархпалак...

Қандайн бахт, қандай саодат, Гоҳи кўкка кўзгудир кўнглим...

Лойқаланди тиниқ туйғулар, Кўнглим сарсон ирмоқ талашиб...

Самони тўлдириб оққушлар учса, Ҳарир қанотлари оппоқ қор мисол...

Нафосат, назокат сенда мужассам, Парвозинг уйғотар мудроқ туйғун...

Оққуш

Соҳида НОРБОВА, Кумқўрғон тумани

Сайфулла ТОҒАЙ, Олтинсой тумани

Қизим, сенга айтаман...


Уч нукта ортидаги сўз...

Кўча-кўйда айрим ёшларнинг сўхбатиди ҳам номақбул сўзларни ишлатиш одатий ҳол сифатида қабул қилинаётгани эса янада таажубланарлидир...

Йўналишли таксиди кетаётган галати бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Олд ўринда йўловчи — ўспирин ойнадан бўлди...

... униси амалга ошмаган бўлса, бошқасини жалб этамиз (уч нукта қандай мазмун ўрнида ишлатилганганини тушушган бўлсангиз керак)...

Диоген сўкинган боланинг отасини урганлиги тарихдан аён. Энди тасаввур қилинг, юқориди амалдорнинг отасига қандай қилиб эътироз билдириш мумкин?



лайдилар ва атрофдагиларга ҳурмат бажо келтирадилар» деган. Бу гап 19-асрда айтилган. Ҳозир эса 21-асрда яшаймиз ва маданий жиҳатдан юксак даражага етган инсонлардан ташкил топган комил фуқаролик жамияти сари интиломдамиз...

Исми жисмига монанд

«Хотира уйғонади...» деган сўзларга негатириб унчалик қўшилиб бўлмайди. Уйғоқ хотира десакимки... Ахир, хотира мангу белорлик эмасми? Чексиз мозий, улкан хотирот олдида бизнинг ўзимиз уйғоқ бўлишимиз керак эмасми?

Биз уқоқ қилмоқчи бўлган юрдошимизнинг 62 йиллик умри аллақачон хотирот мулкига айланиб кетди. Унинг ёруғ сиймоси оиласи, фарзандлари қўлаб ҳамкасбларининг чакоч қўзларида, сўбатларида, иш қозғаларида намойиш...

мактабда ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. 1992-1999 йиллари Навоий вилояти халқ таълими ходимлари касабаси бўлиб ишлаганида, Кейинчалик Навоий шаҳрида Шароф Рашидов номидagi мактабга директор бўлиб келди. Ана шу йиллари ҳам у ўзининг халқ таълими тизимидаги раҳбарлик, устозлик, энг муҳими, инсонийлик қўлини қўйган бўлади...

1969 йилдан Ушинский номидаги мактабда математика ва чизмачилик фанидан дарс бера бошлади. 1975-1982 йиллари Навоий шаҳридаги Абу Райхон Беруний номидаги мактабда ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди.

публика кўрик-танловиди мактаб учини ўрини эгаллади. «Ил мактаби-95» республика кўрик-танловиди ҳам учинчи бўлиш насиб этди.

Яхшилар ёди

лик фаилатларини намойиш қилди. У ҳеч қачон бирова мактабни, ўзини кўз-қўз қилиш учун меҳнат қилгани йўқ. Аксинча, ҳамма ҳамкасбларига меҳр кўрсатиб, қўлидан келганча уларга яқиндан кўмаклашди.

Устознинг шогирдларидан бири, математика фани ўқитувчиси Дилнаво Бахромова «Ил ўқитувчиси-2002» кўрик-танловиди қатнашиб, тадбирнинг республика босқичида фахрли учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

О.ХОТАМОВ




Тош тумор. Мил.авв. II минг йиллик. Сўх. Кўра ва тўноғичлар. Мил.авв. XVII-XV асрлар. Сополлитопа. А.Македонский кумуш тангалари Мил.авв. IV аср.

Мозий — миллат кўзгуси

Ўзбекистон тарихи давлат музейи

Марказий Осиёдаги улкан илмий-маърифий масканлардан бири ҳисобланган тарих музейи 120 йилдан буюн фаолият юритиб келмоқда. Музей хазинасида 250.000 дан зиёд археологик, нумизматика, этнографияга оид экспонатлар, архив маълумотлари сақланади.

алоҳида эътиборга молик. Музей экспонатлари Япония, АҚШ, Германия, Малайзия каби давлатларда намойиш этилди. Дарҳақиқат, музей нумизматика фондларида миллоддан аввалги 5-асрдан миллодий 19-асргача заманимизда зарб қилинган тангалар сақланади.



Аёллар зеби-зийнати. XIX аср. Хива.

Ўзбекистон Республикаси ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ таъсис этган «QURILISHGELIOSERVIS» МЧЖ. Ишлаб чиқариш, маъмурий ва турар-жой бинолари — колледжлар, полилинкилар, пансионатлар ва бошқа объектларни йил давомида бир суткада 500 литрдан 10.000 литргача иссиқ сув билан таъминлаш қувватига эга бўлган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси. Besh muharrir: Abdusoliq Abdurazzoqov. Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Davud MADIYEV, Jahongir SHAROFBOYEV, Ma'mura ABILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AILAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oqsulov NAFASOVA, Pirlimqul QODIROV, Sog'Indiq NIVETULLAYEV, Shamsi ESONDIOYEV. Bo'limlar: Kasaba uyushmalari haqoti, Haqiqi va xalqaro haqot, Iqtisodiy-iqtisodiy sigosat, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash, Reklama va e'lonlar, Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru. N. Rafiqov, A. Abdullayev, N. Mahamov. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H. Abdullayev va Y. Mixaylovskiy. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonamanzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy. O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda. «Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Tijorat materiallari. Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 22.50. Buyurtma № - 814. 11004 nusxada bosildi. 1 3 4 5 6 7 8.